

Фуқаролар қабули: муаммо ва ечим



Бугун аҳоли муурожаатларини ўрганиш мақсадида Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаровнинг навбатдаги фуқаролар қабули бўлиб ўтди.

Қабул давомида моддий ёрдам олиш, даволаниш, сув, электр энергияси ва газ таъминоти, маҳалла ҳудудида тиббиёт муассасасини қуриш, бандлик ва бошқа масалалар бўйича 16 нафар фуқароларнинг муурожаатлари тингланди.

Фуқаролар муурожаатларини кўриб чиқиш ва ижобий ҳал этиш учун тумандаги тегишли корхона ва ташкилот раҳбарлари ва масъул ходимлари жалб этилди.

Муурожаатларнинг айримлари шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилди. Ижроси муддат ва қўшимча ўрганиш талаб қиладиган муурожаатлар тегишлилиги бўйича масъулларга йўналтирилиб, ижроси қатъий назоратга олинди.